

СУВ ОМБОРЛАРИ:
ТУРИЗМ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТ



ЖАМИЯТ

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

№ 44 (1010)
2026 йил
5 ноябрь,
Пайшанба



АВЛОДЛАР ВА ҲАҚИҚАТ:
БИЗ ҚАНДАЙ ЁШ ЭДИК-У, ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҚНДАЙ?



ЯНГИЛАНГАН МАҲАЛЛА – ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ

ЖАМИЯТ
2026 йил 5 ноябрь № 44 (1010)

АВЛОДЛАР ВА ҲАҚИҚАТ:
БИЗ ҚАНДАЙ ЁШ ЭДИК-У, ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҚАНДАЙ?

Катта авлод доимо ёшлардан ёзғириб келади: «Биз ёшлигимизда ундоқ эдик, бундоқ эдик, ҳозирги ёшлар бузилиб кетди, тарбиясиз».

Авлодлар ва ҳақиқат: Биз қандай ёш эдик-у, фарзандларимиз қандай?

Эски замоннинг одамига айланганимга анча бўлди. Аммо ҳозирги ёшларнинг ютуқлари ва имкониятларини кўриб, уларга чин дилдан ҳавас қиламан. Тўйларга бораман, қишлоқларни кезаман, қариндош-уруғ ва танишларимнинг турмушини кузатаман. Отаси ичгич бўлган, ўша сиз мақтаётган эски авлоднинг вакили ўғлини қаранг: ичмайди, чекмайди, ота-онасини Умра сафарига жўнатган. Мактабда икки олиб, кўмирхона панасида сигарет чекиб юрган энг тўполончи боланинг ўғли бугун чет элда ўқияпти. Қўшимча ишда ишлаб, уйига пул жўнатаётгани туфайли икки авлод яшаган, томи қийшиқ жанда уй бугун салобатли, замонавий қароргоҳга айланган.

«Биз мактабда ўта тарбияли эдик, бизнинг ёшлигимиз ундоқ эди...» деб мақтанаётганларга қараб: «Ҳо-ой, тўхтанглар, ўша пайтда менам ораларингда бор эдим-ку! Нега ўзларингдан фаришта ясайсизлар?» дегим келади.

Эслайман: синфдошлар тўдатўда бўлиб сигарет чекиш учун мактаб орқасига ўтиб кетишарди. Қизларнинг ҳожатхонаси ўша томонда эди, йигитлар тош отиб қўрқитишгани ҳам ёдимда. Яна эслайман, юввош боланинг устига икки-уч кимса минволиб, «эшак қилиб» қийнаганларини... Битирув кечалари уйларда уюштирилар, ўша оқшомданоқ мактаб ўқувчилари спиртли ичкилик ича бошлашарди. Ўн беш нафар ўғил бола синфдошдан узоғи билан тўрттаси ичмасди. «Таълим жуда зўр бўлган», дейишади. Негадир мактабимиз қишлоқлар орасида энг яхшиси ҳисобланса-да, 30 нафар ўқувчидан узоғи билан 5 нафари олий маълумотли бўларди, холос.

Ўз фарзандим ва синфдошларимнинг болалари, ҳатто ҳаддан зиёд ичувчи тенгдошларимнинг фарзандлари ҳам бугун ичмаётгани, чекмаётганини кўриб, оналаримиз қанчалар хавотир билан яшаганини энди ҳис қиляпман. Биз – ўша давр оналари ўзларидан олдингилардан фарқли ўлароқ, ака-укаси ёки ўғилларининг энг бўлмаганда бири ичгич бўлганини кўриб яшаган оналарга нисбатан анча бахтлироқмиз.

Яқинда Фейсбукда бир фикрни ўқиб қолдим: «Охирги замон аломатларидан бири — одамни тарбиялашдан кўра итни тарбиялаш осонроқ бўлади». Айтинглар-чи, ўша мен тенги эски замон одамлари, фарзандларингизнинг ютуқлари йўқми ёки ноқобилми, ичгичми, ишсизми?

Кўз ўнглимда бир воқеа гавдаланади: эски замоннинг бобо-бувиси икки неварани катта қилди. Отаси наркоман (у ҳам бизнинг даврнинг одами), бобо бақироқ — оғзидан боди кириб, шоди чиқадиган «эски замоннинг ўта тарбияли одами». Онаси эса болаларни ташлаб кетган (биз мақтаётган ўша давр аёли).

Лекин шу бола «Ўқимайсан!» деган қаршиликларга қарамай, ўзбошимчалик билан курсларга бориб ўқиди. Ҳозирги замоннинг Z авлоди-да! «Ишламайсан, компьютерингни пачоқлайман!» дейишса ҳам ишлади. «Ўзбошимчасан, одам бўлмайсан, биз ундоқ эдик, бундоқ эдик» деган афсус-насиҳатлар билан бобонинг умри ўтди. Йигит эса ўз кунини ўзи кўриб уйланди, саёҳатларга чиқди, маблағ йиғиб машина олди. Энг қизиғи — ҳали бирон марта бобосидек бақир-чақир қилмади, отасидек ичмади, чекмади...

Ўша эски даврнинг боласи бундай муҳитда ёриб чиқа олармиди? Йўқ, синиб: «Отам наркоман, бобом ўқитмади», деб ўшалар сафига қўшилиб кетаверарди. Боланинг шунча тўсиққа қарамай, ўз йўлини топганини, оёқда тик тура олганини кўриб жуда қувондим. На отадан мадад бор, на онадан, бобоси эса ўқишга ҳам қўймаяпти. Аммо у барибир мақсадига етди.

Ўзингизга савол беринг: 22–23 ёшингизда нимани қойиллатган эдингиз? Уйланишга пул топиш, машина олиш, саёҳатга чиқиш у ёқда турсин, уйланишингизни отангизга айта олмай, ковушига сабзи солиб қўйишними? Ёки «Камбағалнинг боласи камбағал, чўпоннинг боласи чўпон бўлади-да», деб 30 ёшга кириб ҳам ўз йўлингизни топа олмаганингизми?

Бир ҳамкасбим айтади: «25–26 ёшимда ҳатто саёҳатга бориш деган орзуим ҳам бўлмаган, болаларим бу ёшда кезмаган давлат қолмади». Ўша сизлар иддао қилаётган ёшлар бугун ота-онасини дунё сайёҳатига ҳам юбориб қўяпти. Биз ўша «ўта тарбияли» болалар ота-онамизга бугун фарзандларимиз бизга яратаётган имкониятларнинг нечадан-нечасини қилиб бера олдик? Йигирма беш-олти ёшли фарзандларимиз бизга муаммоларини айтмай, ўзлари ҳал қилишяпти. Биз эса ўша ёшда дардларимиз билан ота-онанинг бошини қотириб яшардик, орқамизда эса «ейман-ичаман» деб турган сингил ва укалар...

Груч қурмаксиз бўлмаганидек, омади чопмаган ёки йўлини топа олмаган ёшлар ҳам бордир. Аввал ҳам бўлган ундай безлар. Лекин мен метрода ҳар куни ишга бориб келаман, кузатаман — ёшларимиз жуда ақлли, салоҳиятли.

Албатта, ҳамма ёш бир хил эмас. Аммо бир-иккита салбий мисолни кўриб, бутун авлодга паст баҳо бериш қанчалик тўғри? Балки биздан олдингилар ҳам биз ҳақимизда худди шундай ўйлагандир. Биз ҳам уларнинг назарда тутган «бузилган, тарбиясиз ёшлари» бўлгандирмиз. Энди биздан кейинги авлодга навбат келди. Ҳар бир авлод ўзидан кейингиларни қоралайверса, бу даъволар абадул-абад такрорланаверади. Бола қандай шароитда улғайганидан қатъи назар, ўз йўлини топиб, оёқда тик тура олса, бунинг ўзи чексиз бахт эмасми?

Мен бугунги ёшларга қараб ҳавас қиламан. Ота-онасини саёҳатларга олиб бораётган, чет элда ўқиб, ишлаб, уйига маблағ жўнатаётган йигит-қизларни кўриб қувонаман. Дадасига, ойисига машина совға қилаётган фарзандларни кўрганимда, вақтида қишлоққа ота-онамизни кўргани боришга пул топа олмаган оғир кунларимизни эслайман.

Бугунги ёшларнинг ютуқларини кўриб, ўз ёшлигимни ҳам эслайман. Ўшанда биз ҳам ёш эдик, биз ҳам хатолар қилганмиз, ота-оналаримизни хавотирга солганмиз. Яхши хулқлиларимиз ҳам кўп бўлган, камчиликларимиз ҳам етарли эди. Балки, бугунги ёшлар ҳақида ҳукм чиқаришдан олдин шуларни ҳам бир бор ўйлаб кўриш керакдир?

Барно СУЛТОНОВА

СИЁБ БОЗОРИ: ЭСКИ ТОС, ЭСКИ ҲАММОМ!

Бозорда оз-моз тартиб бўлиши учун албатта вилоят ҳокими у ерга мунтазам бориб туриши шартми? Агар бозордаги тартиб вилоятнинг энг юқори лавозимдаги раҳбарига боғлиқ бўлса, ўз-ўзидан қуйидаги ҳокимлигу ташкилотлар, махсус тузилмалар ва бозор маъмурияти нима қилиб юрибди, деган ҳақли савол туғилмайдими?



«Бозор ўз номи билан бозор, у ерда ҳеч қачон кўнгилдагидек тартиб бўлмаган ва бўлмайди ҳам», деб элнинг кўзини бўяб келаётган ҳамда ўз манфаатини ўйлаб, сувни лойқалатиб балиқ овлаётган кимсаларнинг фикри нотўғри эканига икки йил аввал гувоҳ бўлган эдик. Вилоят ҳокими Адиз Бобоев Сиёб бозори ва Самарқанддаги бошқа бозорларда қатъий тартиб ўрнатишга эришган эди. Аммо кўп вақт ўтмасдан ҳаммаси яна эски ҳолатига қайта бошлади. Агар ҳозир ҳаммамиз қуруқ томошабин бўлиб тураверсак, аҳвол аввалгисидан ҳам ёмонлашиб кетишига шубҳа йўқ.

Шанба кунларининг бирида Сиёб бозорига бориб, таъбим тиррик бўлди. Пиёдалар йўлаклари банд қилиб ташланган, бемалол юришнинг иложи йўқ. Харидингизни аравачага ортсангиз, айланиб ўтишга тўғри келади. Тўғри йўлнинг ўртасида палаткалар ўрнатилган. Бўшроқ жойда сайёр цирк томошаси кўрсатилаётгани сабабли бозорнинг катта қисми одамлар билан лиқ тўла эди...

Ҳурматли мутасаддилар! Ҳокимни тинч қўяйлик, унинг бошқа муҳим ишлари бошидан ошиб ётибди. Сиз ҳам ўз ваколатингиз доирасида вазифангизни бажаринг. «Нега шуни ўзимизга айтмадингиз, элга достон қилиш шартмиди? Бир-биримизни биламиз-ку», дейишингиз мумкин. Агар камчиликлар кўз олдингиздан узоқда юз бериб, ундан бехабар қолишингиз эҳтимоли бўлганида, шундай йўл тутган бўлардим. Аммо ҳар куни кўриб турган ҳолатингизга кўз юмиб келаётганингиз учун шундай қилишга мажбур бўлдим. Бозорнинг фақат «қаймоғи» эмас, масъулиятли «зардоби» ҳам эътиборга лойиқ бўлмоғи лозим!

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ

ЖАМИЯТ
2026 йил 5 ноябрь № 44 (1010)

ЯНГИЛАНГАН МАҲАЛЛА — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ



Маҳалла — халқимизнинг ҳаёт тарзи, миллий қадриятлари ва асрий анъаналарида чуқур илдиз отган, инсонларни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштирувчи ноёб ижтимоий институтдир. Унда аҳолининг кундалик қувончу ташвишлари, орзу-интилишлари, ташаббуслари ҳамда жамиятдаги ўзгаришларга муносабати акс этади. Шу боис давлат сиёсати ва ислоҳотлар самараси, энг аввало, маҳалла даражасида — одамларнинг кундалик турмушидаги реал ўзгаришларда намоён бўлмоқда.

Маҳаллани ривожлантириш фақатгина унинг фаолиятини ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш дегани эмас. Бу — аҳоли муаммоларини жойида ҳал этиш, фуқаролар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва давлат билан жамият ўртасидаги ишонч кўпригини мустаҳкамлашни англатади. Шу мақсадда сўнгги йилларда юртимизда маҳалланинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, ваколат ва ресурсларини кенгайтириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, маҳалланинг ҳуқуқий мақоми Бош қомусимизда қатъий белгилаб қўйилди. Конституциянинг 127-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни қонун доирасида мустақил ҳал этади. Шу билан бирга, давлат уларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериши муҳрлаб қўйилди. Бу тамойил маҳалланинг мустақил қарор қабул қилиш имкониятини давлатнинг ташкилий ва молиявий кўмаги билан уйғунлаштирди.

Мазкур ёндашув давлат бошқарувида «қуйидан юқорига» тамойилини кучайтириб, муаммоларни хонадонбай аниқлаш ва уларнинг ечимини юқори турувчи идоралар билан ҳамкорликда топишга замин яратди. «Маҳаллабай» ишлаш тизими ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда. Натижада маҳалла фақатгина аҳоли мурожаатларини юқори ташкилотларга етказувчи воситачи бўғин эмас, балки ҳудуд эҳтиёжларини белгилайдиган, ташаббусларни илгари сурадиган ва маҳаллий ривожланиш жараёнларини бошқарадиган марказга айланмоқда.

Бу жараёнда «маҳалла еттилиги» тизимининг жорий этилиши туб бурилиш ясади. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторининг бир ҳудудда жам бўлиши аҳоли муаммоларини комплекс ҳал этиш имконини берди. Бандлик, тадбиркорлик, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимоя, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлат каби муҳим йўналишлар ягона механизм доирасида мувофиқлаштирилмоқда.

«Еттилик» тизимининг асосий устунлиги — турли соҳа вакилларининг бир жойда ўтиришида эмас, балки уларнинг имкониятлари бевосита оилалар эҳтиёжига йўналтирилганидадир. Эндиликда оиланинг бандлиги, ижтимоий аҳволи, тадбиркорлик салоҳияти ёки фарзандлар таълими бир-биридан ажратилган ҳолда эмас, балки ўзаро боғлиқ масала сифатида кўриб чиқилади. Бу эса идоралараро ҳамкорликни кучайтириб, муаммоларни барвақт аниқлаш ва уларни ҳамкорликда бартараф этиш имконини бермоқда.

Жаҳон тажрибасида ҳудудий хизматларни мувофиқлаштиришнинг турли моделлари мавжуд. Бироқ ижтимоий ҳимоя, бандлик, тадбиркорлик, ички ишлар ва солиқ идоралари вакилларини айнан маҳалла даражасида ягона тизимга бирлаштириш — фақат Ўзбекистонга хос ноёб тажрибадир. Шу маънода, «маҳалла еттилиги» маҳаллий бошқарувда давлат ва соҳавий имкониятларни халқ хизматига сафарбар қилувчи институционал ечимдир.

Тизимнинг самарадорлиги, энг аввало, аҳоли билан доимий мулоқот ва хонадонбай ўрганишлар натижасида кўринади. Бунда маҳалла раиси умумий жараённи мувофиқлаштиради, еттилик аъзолари эса ўз йўналишлари бўйича амалий ечимлар устида ишлайди. Улар фаолиятининг баҳоси қуруқ маъмурий ҳисоботлар билан эмас, балки ҳал этилган реал муаммолар, яратилган иш ўринлари ва одамлар ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар билан белгиланади.

Бугунги кунда маҳалла фаолиятини институционал ва рақамли жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан бир қаторда, соҳадаги жараёнларни илмий асосда ўрганиш ва илғор иш усулларини оммалаштириш мақсадида Маҳаллани ривожлантириш миллий институти ташкил этилди. «Рақамли маҳалла» платформаси эса ҳудудлардаги муаммолар ва уларнинг ечимини ягона электрон тизимда кузатиб бориш имконини бермоқда.

2026 йилда маҳалла институтини ривожлантириш ислоҳотлари мутлақо янги босқичга кўтарилди. Жорий йилнинг юртимизда «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили» деб эълон қилиниши ҳамда Президентнинг 24 июндаги ПФ-116-сон Фармони бу йўналишдаги вазифаларни тубдан такомиллаштирди. Фармонга мувофиқ, «маҳалла еттилиги» фаолиятини жонлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бошқарувни рақамлаштириш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш чоралари белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йилнинг 16 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам маҳаллаларга берилган ваколат ва ресурслардан фойдаланиш ҳолати атрофлича муҳокама қилинди. Президент эндиликда асосий эътибор берилган имкониятларнинг ўзига эмас, балки уларнинг аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт сифатини яхшилашдаги амалий натижасига қаратилиши лозимлигини қатъий таъкидлади.

Бу талаблар маҳалла раисининг ролига бўлган ёндашувни ҳам бутунлай ўзгартирмоқда. У энди шунчаки мурожаатларни қабул қилувчи ёки муаммоларни юқори идораларга хабар қилувчи раҳбар эмас, балки ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини ишга солувчи ташаббускор бошқарувчидир. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган маҳалла раисини «иқтисодий буюртмачи»га айлантириш ғояси ҳам унинг ҳудуддаги лойиҳаларни шакллантириш, зарур ташкилотлар ва ресурсларни бирлаштиришдаги ролини кучайтиришга қаратилган.

Шу билан бирга, кенг ваколатлар маҳалланинг масъулиятини ҳам оширади. Ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, фуқаролар ташаббусларининг қўллаб-қувватланиши ва мурожаатларга ўз вақтида муносабат билдирилиши шарт. «Маҳалла еттилиги»нинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасига виждонан ёндашган ҳолда, умумий натижа учун ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши лозим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 2 ноябрь куни меҳнат миграцияси соҳасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказган йиғилишида ҳам «маҳалла еттилиги»нинг аҳоли бандлигини таъминлаш ва хориждаги ватандошларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролига алоҳида тўхталди. Хусусан, маҳаллалар билан халқаро меҳнат бозоридаги йирик рекрутинг компаниялари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифаси қўйилди. Чет элдаги бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар ҳар бир маҳаллагача етиб бориши, «еттилик» эса хорижда ишлаш истагидаги номзодларни «Онлайн маҳалла» платформасига киритиб бориши белгиланди. Энг муҳими, эндиликда хорижда қийин вазиятга тушиб қолган юртдошларимиз ушбу платформа орқали онлайн тарзда ёрдам сўраш имкониятига эга бўладилар.

Бу янги тизим жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш билан бирга, чет элда меҳнат қилаётган ватандошларимизнинг давлат ҳимоясида эканини янада яққол намоён этади. Маҳалла эса бу эзгу вазифаларнинг бош ижрочиси сифатида майдонга чиқмоқда.

Умуман олганда, маҳалла институтини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларнинг бош мақсади ягона — инсон қадрини улуғлаш, аҳоли манфаатларини таъминлаш ва муаммоларни жойида ҳал этишдир. Маҳалланинг янги мақоми, кенгайтирилган ваколатлари ва «еттилик» тизими ана шу олий мақсадга хизмат қилиши лозим. Зеро, маҳалланинг ҳақиқий куч-қудрати у ерда яшаётган инсонларнинг розилиги ва эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончи билан белгиланади.

Абдумуталлиб ЎКТАМОВ,
Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази эксперти,
журналист

ЖАМИЯТ

2026 йил 5 ноябрь № 44 (1010)

САМИМИЯТ, ҚАТЪИЯТ ВА

Ҳалим Саидовни илк бор ўтган асрнинг 90-йилларида танигандим. Аниқроғи, дастлаб уни кўрганман, кейин эса у билан мулоқот қилиш, фикр алмашиш имконига эга бўлганман. Ўша учрашувлар орадан қанча йиллар ўтса-да, хотирамда ўз изини сақлаб қолган.



1993 йилда Самарқанд давлат университети Ўзбек филологияси факультети қошида журналистика бўлими ва кафедра ташкил этилган эди. Биз ҳам шу даргоҳда фаолият юритар, журналистика соҳаси учун мутахассислар тайёрлашга ҳаракат қилардик. 1996 йил кунларининг бирида кафедра мудиримиз, марҳум устозимиз, профессор Исроил Мирзаев талабаларни йиғишимизни тайинлаб қолди:

— «Маърифат» газетаси бош муҳаррири Ҳалим Саидов билан учрашув бўлади.

Ўша йилларда «Маърифат» газетаси талабалар ва зиёлилар орасида анча машҳур эди. Шу боис учрашувга қизиқиш ҳам катта бўлгани табиий. Ҳалим Саидов билан илк бор юзма-юз кўришганимда эътиборимни тортган жиҳат унинг ташқи қиёфаси билан овози ўртасидаги ўзига хос уйғунлик бўлди. Келбатли, салобатли инсоннинг овози ниҳоятда мулойим, муомаласи эса самимий эди. У аудиторияга кириб келиши билан ортиқча расмиятчиликка берилмасдан, оддий ва табиий мулоқот орқали талабалар эътиборини ўзига жалб эта олди. Айниқса унинг жадид матбуоти ва публицистикасининг чуқур билимдони эканлиги аудиторияга қаттиқ таъсир этгани хотирамда муҳрланиб қолган. Бу, менимча, ҳақиқий журналист ва муҳаррирга хос фазилатлардан бири эди: инсонлар билан тил топиша олиш, уларнинг эътиборини қозониш ва фикрингни мажбурламасдан етказиш маҳорати. Ўша учрашувда иштирок этган талабалардан бир-иккитаси кейинчалик Ҳалим Саидов раҳбарлигида ишлагани ҳам бу мулоқотнинг ўзига хос натижаси бўлди.

Орадан бир неча йил ўтди. 1999 йил 27 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилингач, вилоятларда ташкил этилган бир қатор журналистика йўналишлари, жумладан, СамДУ журналистика бўлими ҳам ёпилди. Бу ҳолат бизнинг кейинги фаолиятимизга ҳам таъсир кўрсатди. Шу муносабат билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ташкил этилган Халқаро журналистика факультетига ишга ўтиш ниятида кафедра мудири, марҳум устозимиз Бойбўта Дўстқораев билан учрашдим. Домла таклифимни дарҳол маъқуллаб, мени факультет декани Гуландом Ҳисомовна Боқиева ҳузурига юборди. Гуландом опа эса Ҳалим Саидов билан учрашиб, суҳбатдан ўтишим кераклигини айтди. Шундай қилиб, Ҳалим Саидов билан иккинчи учрашувимиз юз берди. Бу галги мулоқотимизнинг мазмуни ҳам, менда қолдирган таассуроти ҳам биринчисидан фарқ қиларди.

Суҳбатдан ўтишим кераклигини эшитган Ҳалимжон бироз хижолат бўлгандек: — Қўйсангиз-чи, Бойбўта ака билан Сайди акадек устозлар тавсия қилган инсонни мен суҳбатдан ўтказаманми? — деди.

Бу гапда самимият ҳам, устозларга ҳурмат ҳам, инсонни қадрлаш маданияти ҳам мужассам эди. Аммо Ҳалимжон суҳбатни фақат расмий танишув билан чеклаб қўймади. У дарҳол асосий масалага — журналистика таълими мазмуни, унинг олдида турган вазифалар ва халқаро тажрибани ўзлаштириш заруратига ўтди.

Ҳалимжон хорижда журналистика таълими бўйича ҳар йили ўнлаб, ҳатто юзлаб янги китоблар нашр этилишини таъкидлади. Сўнг у Ҳиндистонда олган таълим тажрибаси ҳақида гапирди. Ҳиндистон Оммавий коммуникациялар институтида таҳсил олганимда, деди у машҳур профессор К. М. Шривастава журналистика таълимининг бир нечта янги моделларини таклиф қилганини айтди. Демак, бундай тажрибаларни ўрганишимиз, илғор назарий қарашларни таржима қилишимиз ва миллий журналистика таълимининг эҳтиёжларига мослаштиришимиз зарур. Айни пайтда, хорижий манбаларни ўзлаштиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Замон ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда, ўз илмий ва ўқув адабиётларимизни яратишимиз ҳам лозим, деб гапини якунлади у. Ҳалимжоннинг қарашларида менга маъқул бўлган жиҳат шунда эдики, у муаммони кўрсатиш билангина чекланмас, уни ҳал этиш йўллари ҳақида ҳам ўйларди. Унинг фикрича, мустақил мамлакат журналистикасига мустақил фикрлайдиган журналистлар керак эди. Бундай мутахассисларни эса эски қолиплар доирасида таълим бериш орқали тайёрлаб бўлмасди.

Ўша суҳбатга ҳам қарийб ўттиз йил бўлибди. Шундан бери Ҳалимжон билан аввал Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультетида, 2018 йилдан эса Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида елкама-елка ишлаб келмоқдамиз. Бу йиллар давомида унинг нафақат амалиётчи журналист ва тажрибали муҳаррир, балки журналистика назариясига ўз қарашларига эга олим сифатидаги фаолиятини ҳам яқиндан кузатиш имконига эга бўлдим.

2009 йилда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети декани этиб тайинландим. Орадан тўрт-беш ой ўтгач, ўша пайтдаги Президент матбуот котиби журналистика факультетларидаги ўқув жараёни, малака талаблари, ўқув режалари ва дастурлари билан қизиқиб қолди. Масала атрофлича ўрганилгач, журналист кадрлар тайёрлашдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни муҳокама қилиш мақсадида оммавий ахборот воситалари мутасаддилари, бош муҳаррирлар ва журналистика мутахассислари иштирокида республика миқёсида катта йиғилиш ўтказилди.

Афсуски, бундай муҳокамаларда асосий эътирозлар, кўпинча, журналистика кадрларини тайёрлаётган икки таълим маскани — Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети фаолиятига қаратиларди. Гўёки журналист кадрлар тайёрлашдаги барча муаммоларнинг сабабини айнан шу икки даргоҳдан излаш мумкин эди.

Ана шундай вазиятда яна Ҳалим Саидов бизнинг ёнимизда турди. Ўша пайтда «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталарининг бош муҳаррири бўлган Ҳалимжон масалага бирёқлама ёндашишга қарши чиқиб, журналистика таълими ҳимоясига дадиллик билан отланди. Унинг фикрлари мазмунан ҳам, оҳанг жиҳатидан ҳам эсда қоларли эди: “Сифатли ва малакали кадрлар тайёрлашда камчиликлар борлиги рост. Лекин бунинг айби фақат таълим муассасаларида эмас. Биз — амалиётчи журналистлар ва муҳаррирларнинг ҳам масъулиятимиз катта. Қачонгача «олма пиш, оғзимга туш» деб ўтираверамиз? Факультетларга ўзимиз ҳам бориб дарс беришимиз, талабаларнинг амалиёт ўташи учун шароит яратиб беришимиз керак. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Журналист кадрларини тайёрлашда назарий билим билан бир қаторда амалий кўникмалар ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга”.

Ҳалимжоннинг бу гапларида оддий ҳимоядан кўра кенгроқ маъно бор эди. У масъулиятни бир томонга ағдариш ўрнига, муаммони ҳал этишда барча манфаатдор томонларнинг иштирокини талаб қиларди. Унингча, журналистика таълимига баҳо беришдан олдин амалиётчи журналистлар ҳам ўз зиммасидаги вазифаларни англаши лозим эди. Зеро, таҳририят билан

МАЪРИФАТГА САДОҚАТ

университет ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик бўлмаса, назарий билим амалиёт билан бойимаса, замонавий талабларга жавоб берадиган журналистни тайёрлаш мушкул.

Ҳалим Саидовнинг фаолиятини фақат муҳаррирлик ва журналистика таълими билан чеклаб бўлмайди. Унинг илмий изланишлари ҳам миллий матбуотимиз тарихида алоҳида ўрин тутган буюк жадид боболаримиз меросини ўрганишга бағишланган. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳалимжоннинг эски ўзбек ёзувини, араб алифбосини пухта билиши, ўша даврнинг ижтимоий-маънавий муҳитини чуқур англаши унга жадид матбуоти манбаларини асл ҳолича ўрганиш имконини берган.

Ҳалим Саидов 1998 йилда “Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу тадқиқот унинг миллий матбуотимиз тарихини илмий асосда ўрганишга қўшган муҳим ҳиссаси бўлди. Кейинчалик ҳам у илмий изланишларини изчил давом эттирди. 2021 йилда филология фанлари доктори, профессор Хуршид Дўстмуҳамедов илмий раҳбарлигида “Жамиятнинг демократлашуви жараёнида ахборот жанрларининг ривожланиш омиллари” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Унинг илмий ва маърифий фаолияти самаралари китобларида ҳам яққол кўринади. 2000 йилда нашр этилган “Маърифат либосидаги озодлик” асарида буюк жадид бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий меросига мурожаат қилинган бўлса, яқинда чоп этилган “Туркистон даҳоси” китоби ҳам муаллифнинг тарихий хотира, миллий ўзлик ва маърифатпарварлик ғояларига бўлган садоқатини намоён этади. Бу асарларнинг илмий доираларда қизиқиш уйғотиши, аввало, уларда тарихий шахслар фаолиятига шунчаки тавсиф бериш билан чекланилмай, уларнинг ғоявий меросини англашга интилиш мавжудлиги билан изоҳланади.

Жадидлар матбуоти тарихини ўрганиш — шунчаки ўтмишга қайтиш эмас. Бу миллий уйғониш ғоялари, эркин фикр, маърифат ва жамият тараққиёти ҳақидаги қарашларни бугунги кун нуқтаи назаридан қайта англаш демакдир. Ҳалим Саидовнинг илмий изланишлари ҳам шу маънода аҳамиятли: у ўтмиш манбаларини ўрганиш орқали миллий журналистикамизнинг бугунги ва эртанги тараққиёти учун зарур бўлган маънавий-илмий асосларни мустаҳкамлашга интилади.

Қарийб ўттиз йиллик ҳамкорлик ва кузатувларимдан келиб чиқиб, Ҳалимжон шахсиятида бир-бирини тўлдириб турадиган уч жиҳатни кўраман: амалиётчи журналистнинг ҳаётий тажрибаси, олимнинг изланувчанлиги ва маърифатпарвар инсоннинг масъулияти. Унинг муҳаррирлик фаолияти, таълим масалаларидаги қатъий позицияси ва жадидлар меросини тадқиқ этишга бўлган садоқати бир-биридан айро эмас. Уларни ягона мақсад — миллий журналистикамизнинг салоҳиятини ошириш, унинг тарихий илдизларини англаш ва келажагини мустаҳкамлаш истаги бирлаштириб туради.

Акбар НУРМАТОВ,
ЎзЖОКУ “ЮНЕСКО ва ихтисослашган медиа” кафедраси мудири



СУВ ОМБОРЛАРИ: ТУРИЗМ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТ

Ҳудудлардаги сув омборлари ва уларга туташ ерларнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда сув объектларидан хавфсиз фойдаланишни таъминлашга қаратилган муҳим қарор қабул қилинди. Президентнинг 2026 йил 27 октябрдаги «Сув омборлари ва уларга туташ ҳудудлардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳада кенг имкониятлар яратиш билан бирга, тадбиркорлар зиммасига муайян масъулиятларни ҳам юклайди.

Мазкур қарор, энг аввало, сув омборлари атрофида замонавий туризм инфратузилмасини шакллантириш, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда хусусий сектор фаоллигини оширишга хизмат қилади. Мамлакатимизда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини юзага чиқариш ва аҳоли бандлигини таъминлаш устувор вазифалардан биридир.

Қарорда тадбиркорлик субъектларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, сув омборлари ва уларга туташ ҳудудларда туризм хизматларини ташкил этган тадбиркорларга 2029 йил 1 октябрга қадар қатор имтиёзлар берилади:

• Юридик шахслар учун ер солиғи ва мол-мулк солиғи ставкалари белгиланган миқдорнинг 50 фоизи миқдорида қўлланади. Бу тадбиркорларнинг солиқ юкини камайтириб, мавжуд маблағларни хизматлар сифатини ошириш ва янги объектлар барпо этишга йўналтириш имконини беради.

• Сувда фойдаланишга мўлжалланган GPS қурилмалари, қутқарув ва хавфсизлик анжомлари ҳамда замонавий санитария-гигиена шохобчаларини мамлакатимиз ҳудудига олиб киришда божхона тўловларини 120 кун муддатга кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилади. Бу эса дастлабки харажатларни енгиллаштириб, туристик объектларни халқаро талабларга мос равишда жиҳозлашга кўмаклашади.

Иқтисодий имтиёзлар билан бир қаторда, қарорда инсон ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни асраш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига устувор аҳамият берилган. Зеро, туризм соҳасининг барқарор ривожланиши хавфсизлик ва экологик талабларга қатъий риоя этилишига бевосита боғлиқ.

Қарорга мувофиқ:

• Сув омборлари ва уларга туташ ҳудудларда ташкил этилган туризм объектлари ташриф буюрувчилар хавфсизлигини таъминлаш ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун зарур воситалар билан жиҳозланиши шарт.

• Фавқулодда ҳолатларда зудлик билан қутқарув ишларини амалга ошириш учун махсус қутқарув хизмати ташкил этилиши ёки шартнома асосида профессионал тузилмаларнинг навбатчилиги йўлга қўйилиши лозим. Бу талаблар, айниқса, қайиқ ва бошқа кичик ҳажмли кемалардан фойдаланиш, сув спорти ҳамда кўнгилочар хизматларни ташкил этишда ўта муҳимдир.

Сув омборлари нафақат иқтисодий объектлар, балки табиий экотизимнинг муҳим таркибий қисми ҳам ҳисобланади. Уларнинг ифлосланиши сув сифатига ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу боис сувни муҳофаза қилиш зоналари талабларига қатъий риоя этиш, оқова сувларнинг сув объектларига ташланишига йўл қўймаслик мақсадида ички канализация тармоқлари ҳамда маҳаллий тозалаш иншоотларини қуриш мажбурий этиб белгиланди. Шунингдек, туристик объектларда ҳосил бўладиган маиший чиқиндилар белгиланган тартибда утилизация қилиниши шарт. Бу соҳиллар тозалигини сақлаш ва табиий ландшафларни асраб-авайлашга хизмат қилади.

Мазкур қарор иқтисодий манфаатлар, жамоат хавфсизлиги ва экологик барқарорлик ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Солиқ ва божхона соҳасидаги енгилликлар орқали инфратузилма ривожлантирилса, мажбурий талаблар орқали ушбу фаолиятнинг масъулиятли тарзда амалга оширилиши кафолатланади.

Шаҳбоз МУРТАЗАЕВ,
юрист

ТИЗИМЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Сурхондарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Қизириқ туман ўқув спорт техника маркази нодавлат таълим муассасасида ёшларни ижтимоий-фойдали ва оммавий ватанпарварлик ишларига жалб этиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



Хусусан, бундай тадбирлар “Ватанпарвар” ташкилотининг 35 йиллик байрами арафасида яна ҳам изчил тус олмоқда. Чунончи, бу йўналишдаги ишлар кўламини сезиларли даражада ошириш мақсадида ташкилотнинг вилоят кенгаши, туман ҳокимлиги, ҳарбий қисмлар, мудофаа ишлари бўлими, ўқув муассасалари ҳамда маҳаллалар билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.

Албатта, “Ватанпарвар” ташкилоти менинг танловим!” деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган бу каби тадбирлар ёшларнинг қалбида она юртга муҳаббат ва садоқат ҳиссини, ватанпарварлик туйғусини шакллантиради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, замонавий талаблар асосида барпо этилган марказ биносида маънавият-маърифат хонаси, ахборот-ресурс маркази, ўқув хоналари, турли русумдаги ўқув-машиқ автомобиллари ва бошқа ўқув иншоотлари фаолияти изчил йўлга қўйилган.

Айни пайтда ташкилотда “В”, “ВС” тоифали ҳайдовчилар тайёрлаш шунингдек, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, марказда ёшларнинг жисмоний фаоллигини янада оширишга кўмаклашиш мақсадида спортнинг техник ва амалий турлари билан шуғулланишлари учун ҳам кенг имкониятлар яратилган. “Ҳаво милтиғидан ўқ отиш”, “Ёзги биатлон” каби тўгараклар фаолияти замон талаблари асосида ташкил этилган. Бу секцияларга ўттиз нафар иқтидорли ёшлар жалб этилган.

Ўз навбатида тумандаги ўқув муассасалари ва маҳаллалардаги ёшлар ўртасида спорт мусобақалари мунтазам ташкил қилинмоқда. Жумладан, ҳаво милтиғидан ўқ отиш мусобақаларига иштирокчиларнинг қизиқиши катта. Бунинг исботини шу спорт тури бўйича беллашувларда қатнашчиларнинг сафи йил сайин кенгайиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Бундан аёнки кейинги йилларда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида ташкилотда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Неъматилла АЛИМОВ,
“Ватанпарвар” ташкилоти
Қизириқ туман ЎСТМ НТМ
директори



МАҲОРАТГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

Мамлакатимизда ҳайдовчилар тайёрлаш борасида амалий натижаларга эришилмоқда. Айниқса бу фаолият турли ташкилотлар томонидан амалга оширилаётганлиги соҳада соғлом рақобат муҳитини юзага келтирмоқда.



Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг соҳага тегишли қарори асосида фаолият юритаётган Автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамияти Бухоро шаҳар ўқув автомобиль мактаби жамоаси ҳам бу борада яхши самарадорликка эришмоқда.

Ташкилот биноси барча талаблар асосида қурилган бўлиб, ундаги ўқув синиф хоналари замонавий инновацион технологиялар билан жиҳозланган. Автомобиллар парки эса турли русумдаги замонавий ўқув-машқ автомобиллари билан таъминланган.

Яқинда бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда автодром барпо этилди. Албатта, автодромда ўрнатилган барча йўл элементлари тингловчиларнинг автомобиль бошқариш кўникмасини оширишга хизмат қилади. Автомактабда айни пайтда “А”, “В”, “ВС”, “ВЕ”, “СЕ” ҳамда”D” тоифали ҳайдовчилар тайёрланмоқда.

Бўлажак ҳайдовчиларнинг маҳоратини оширишда тажрибали ўқитувчи ва амалий бошқаришни ўргатувчи-усталарнинг тажрибасидан унумли фойдаланилмоқда. Қолаверса, етарли даражадаги шарт-шароитларнинг мавжудлиги ҳам бу борада муҳим ўрин тутмоқда.

Бугун мамлакатимиз автомобилсозлигида ривожланиш босқичи жадал суръатларда давом этаётган бир вақтда халқ хўжалигига малакали ҳайдовчилар зарур. Шу боис амалдаги қоидаларга қатъий риоя этадиган ҳолда автомототранспорт воситаларини бошқара оладиган ва халқимизга ҳалол хизмат қиладиган маҳоратли ҳайдовчи ёшларни тайёрлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.


Бундан ташқари, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда вилоят ИИБ ЖХХ ЙҲХ бошқармаси, ўқув муассасалари ҳамда маҳаллалар фаоллари билан ўрнатилган ҳамкорлик ижобий натижа бермоқда.

Шохжаҳон МАҚСУДОВ,
Автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамияти
Бухоро шаҳар ўқув автомактаби директори



ЖАМИЯТ
2026 йил 5 ноябрь № 44 (1010)

АЛДОҚЧИ АЁЛ



Жамиятимизда хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеи баланд. Улар барча соҳада фаол. Уй бекаси, шифокор, ўқитувчи, тадбиркор, олима аёлларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Уларни хонадонларимиз кўрки, фариштаси дея эъзозлаймиз. Аммо баъзида аёллик шаънига доғ тушираётганлар учраб тургани ачинарли.

Яқинда судда ўзгаларни чув тушириб, пулларини алдаб олган аёлнинг иши кўриб чиқилди. Н.Т. исмли аёл пойтахтимизда жойлашган хусусий тиббиёт муассасаларининг бирида ҳамшира бўлиб ишлаган. У шу ерга муолажа олиш учун келган Мурод Қодировга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кўрсатилган хизмат учун тўловни ўзи жойлашини ваъда қилиб, ундан 11 630 000 сўм олган. Бироқ пулни шифохона кассасига топширмасдан, шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, Н.Т. ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, ўзганинг мулкини талон-торож қилиш ҳамда ишончни суиистеъмол қилиш мақсадида яна бир мижоз — А. Фатиховни ҳам чув туширган. Гап шундаки, ундан 2 477 000 сўм олиб, клиника кассасига топширмаган ва чўнтагига урган. Ҳамшира бу билан ҳам қаноатланмай, қинғир ишини давом эттирган. Навбатдаги бемордан ҳам тиббий хизмат ҳақини тўлаб қўйишни айтиб, оз эмас, кўп эмас, 12 173 000 сўмни алдов йўли билан қўлга киритган. Шифохонага келган бошқа бир бемор — В. Стромм ҳам унинг алдовига учиб, ҳамширага нақд шаклда 14 140 000 сўм берган. Лекин бу пуллар ҳам кассага кирим қилинмаган.

«Ҳеч ким билмайди», дея клиника мижозлари ва маъмуриятини алдаган ҳамширанинг қилмиши кўп ўтмай фош этилди.

Суд мажлисида судланувчи Н.Т. айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймондалигини, хусусий клиникага етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганини билдирди ҳамда оилавий шароити ва аёллигини ҳисобга олиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Суд унга жазо тайинлашда барча жиҳатларни эътиборга олди. У фирибгарлик жиноятини содир этганликда айбдор деб топилиб, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Қилмишидан хулоса чиқариш ўзига ҳавола. Афсуски, орамизда аёллик шаънига доғ тушираётганлар ҳамон учраб турибди. Эгри йўлни танлаб, сўнг пушаймон бўлишдан не фойда?

Ботиржон САГАТОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Яшнобод туман судининг судьяси.

ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Сурхондарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Олтинсой туман ўқув спорт-техника маркази нодавлат таълим муассасасида ёшларнинг жисмонан ва маънан етук бўлишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу боис ташкилотда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар тизимли, босқичма-босқич ва самарали ташкил этилган. Шу мақсадда марказда “Ватанпарвар” ташкилоти – менинг танловим!” шиори остидаги “Очиқ эшиклар куни”, “Уч авлод учрашуви” каби тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда.

Хусусан, “Ватанпарвар” ташкилотининг 35 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тадбирда мудофаа ишлари, мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари, ИИБ ЖХХ ЙҲХ бўлинмаси, Миллий гвардия, Ёшлар ишлари





агентлиги туман бўлимлари ҳамда умумтаълим мактаблари “Ватан таянчи” одрядлари ва ташкилот аъзолари иштирок этди.

Муҳими, ташкилотимиз томонидан ўтказилаётган бундай тадбирларга бой ҳаётий тажрибага эга фахрийлар, илм-фан, маданият ва спорт соҳасида, шунингдек турли мусобақа ҳамда танловларда ғолиб бўлган ёш авлод вакиллари ҳам жалб этилмоқда. Мунтазам равишда ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-маърифий ҳамда оммавий спорт тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, тумандаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда ҳудуддаги мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ўртасида “Қувноқ стартлар”, “Ким эпчил-у, ким чаққон?, “Йўл ҳаракати қоидаларининг ёш билимдони”, “Пиёда – умринг бўлсин зиёда!” каби мавзуларда викториналар ҳамда тарғибот тадбирлари ташкил этилаётганлиги ҳам шундай ишларимиз сирасидандир.

Шу кунларда марказда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда ташкилотда “Ҳаво милтиғидан ўқ отиш”, “Ракетамодель” каби секция ва тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Бу тўгаракларда ўттиз нафардан зиёд иқтидорли ёшлар мунтазам шуғулланиб келмоқда.

Ўқув спорт-техника маркази томонидан бир неча бор туман, вилоят мусобақалари ўтказилди. Барча мусобақаларда беш юз нафардан ортиқ спортчи қатнашди. Албатта, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт тадбирлари туман ҳокимлиги, мудофаа ишлари бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Айни пайтда марказда “В”, “ВС” тоифали ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари муваффақият билан бажариб келинмоқда.

Муродилла АБДУНАЗАРОВ,
“Ватанпарвар” ташкилоти
Олтинсой туман ЎСТМ НТМ
директори

МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Актам ҲАЙИТОВ
Камолиддин ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1110
Адади: 4207
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 0010-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

ЖАМИЯТ
2026 йил 5 ноябрь № 44 (1010)

ЭЛГА ХИЗМАТДАН ТОПИЛГАН ҚАДР

Чироқчи аҳли хотирасида Юсуф Абдураҳмоновнинг номи эл корига яраган, одамларнинг қувонч ва ташвишига шерик бўлган инсон сифатида сақланиб қолган. Муаллимликдан бошланган, хўжалик раҳбарлиги ва касб таълими билан давом этган умрининг мазмуни ҳам шу эди: одамларга наф келтириш, ёшларга йўл очиш, ўзи яшаган заминни обод кўриш. Унинг ҳаётида эрта келган эътирофлар ҳам, кўнгилда ўчмас из қолдирган синовлар ҳам бор. Аммо яқинлари уни эслаганда, аввало, самимияти ва олийжаноблигини тилга оладилар.



Юсуф ака тўй-маъракаларда бошқош бўлар, элнинг юмушига ўз хонадон ташвишидек қарарди. Кимнингдир хурсандчилигига қўшилиш, маслаҳатга муҳтож кишига йўл кўрсатиш, мушкул пайтда ёнида туриш унинг фазилати эди. Ўрни келса, ташкилотчиликни зиммасига олар, самимий сўзи ва амалий кўмаги билан даврага файз киритарди. Ана шу одамохунлик уни элга яқин қилганди.

Бу фазилатларнинг илдизи у улғайган хонадонга бориб тақалади. Юсуф Абдураҳмонов 1932 йил 12 мартда туғилган. Болалиги Лангар қишлоқ кенгашига қарашли Тўлакўл қишлоғида кечган. Отаси Абдураҳмон Хўжаев қишлоқ оқсоқоллар кенгаши, хўжалик ва матлубот кооперациясида ишлаб, элнинг ишончига сазовор бўлган. Оилада сақланган хотираларга кўра, у 1943 йилда «Ёш ғайрат» хўжалигига раислик қилган, бева аёллар ва етим болаларга кўмаклашган, мактабни дарслик ва дафтар билан таъминлашга эътибор берган.

Уруш йилларида Абдураҳмон Хўжаев ва Ўғилой ая ўз фарзандлари қаторига турли миллатга мансуб, ота-онасиз қолган ўн беш болани ҳам қўшиб, бағрига олганлар. Йўқчиликда бир бурда нонни бўлишиш, бегона боланинг бошини силаб, унга оила меҳрини бериш улкан бағрикенглик эди. Юсуф инсонга меҳр кўрсатишнинг маъносини ана шу муҳитда англаб улғайди.

Билимга чанқоқ йигитнинг интилиши уни олий таълим даргоҳларига етаклади. Яқинларининг эслашича, у Тошкентдаги педагогика олийгоҳининг биология факультетини ҳамда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетини имтиёзли тугатган. 1954–1957 йилларда Саратовдаги авиация қисмида ҳарбий хизматни ўтаган. Кейинчалик унинг меҳнат йўлида муаллимнинг синчковлиги, агрономнинг билими ва хизматда орттирган интизоми бир-бирини тўлдириб борди.

Чироқчидаги 56-сон мактабда кимё ва биологиядан дарс берган ёш ўқитувчи жамоат ишларида ҳам фаол қатнашди. 1962 йилда, эндигина ўттиз ёшга кирганида, у «Коммуна» колхозига раис этиб сайланди.

Оилавий хотираларда Юсуф Абдураҳмоновнинг Никита Хрущёв билан учрашиб, суҳбатлашгани, хўжаликдаги ишлари ва ташаббуслари эътироф этилгани ҳам айтилади. Унинг турли йилларда Шароф Рашидов, Раҳмонқул Қурбонов, Нормуҳаммад Худойбердиев билан мулоқотлари, Чироқчи раҳбарларидан Толмас Тиллаев ва Алишер Бозоров билан ҳамкорлиги ҳам ҳурмат билан эсга олинади.

Юсуф Абдураҳмонов қишлоқ ҳаётига адабиёт ва санъатнинг файзини олиб киришга ҳам интилган. Яқинлари «Коммуна»га турли йилларда Комил Яшин, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров каби адиблар, Таваккал Қодиров, Ориф Алимаҳсумов, Ҳалима Носирова, Фахриддин Умаров сингари санъаткорлар ташриф буюрганини эслайдилар. Учрашув ва концертларни уюштиришда Юсуф ака бош-қош бўлган.

Кун бўйи далада меҳнат қилган одамнинг севимли ҳофизини ўз қишлоғида тинглаши, ёшларнинг китобини ўқиган адиби билан юзма-юз суҳбатлашиши кўнгилларга қанот бағишларди. Бундай даврлар қишлоқ аҳлининг маънавий эҳтиёжини қондириб, ёшларда адабиёт ва санъатга ҳавас уйғотарди. Юсуф аканинг раҳбарлик фаолиятидаги бу жиҳат унинг муаллимликдан келган маърифатпарвар табиатини ҳам намоён этарди.

Шундай ютуқлар ортидан унинг олдида янада кенг имкониятлар очилаётгандек эди. Яқинларининг ҳикоя қилишича, Юсуф Абдураҳмонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига — ўша давр тили билан айтганда, Марказкомга чақирилган. Уни юксак унвонга тавсия этиш, депутатликка номзодини кўрсатиш масалалари ҳақида суҳбатлар бўлган. Ҳали қирқ ёшга тўлмаган раҳбар меҳнатининг янги босқичига қадам қўяётгандек туюлган бир пайтда тақдирнинг оғир синови бошланди.

Шўро тузумида раҳбарнинг ишига хўжалик натижалари билан бирга мафкуравий мезонлар асосида ҳам баҳо бериларди. Атеистик тарбия устувор саналган муҳитда халқнинг азалий урф-одатлари ва эътиқодига ҳурмат баъзан сиёсий шубҳага сабаб бўларди. Юсуф Абдураҳмоновнинг қисматида ҳам инсоннинг эзгу нияти билан даврнинг тор қарашлари тўқнаш келган бир саҳифа бор.

Оила хотираларига кўра, у қабристонларни тозалаш, тартибга келтириш ва таъмирлаш ишларига бош-қош бўлган. Аждодлар ором топган масканларни озода сақлаш, ўтганлар хотирасига ҳурмат бажо келтиришдан иборат бу ташаббус юқори идораларга давр сиёсатига зид ҳаракат сифатида етказилган. Эл назарида савоб саналган ишга идоралар мезони билан бошқача маъно берилган.

Ўша воқеалар ҳақидаги оилавий ҳикояларда имзосиз хатлар, бирёқлама хабарлар, ёш раҳбарнинг тез юксалишини хуш кўрмаган айрим кишиларнинг муносабати ҳам тилга олинади. Қилинган ишнинг асл маъноси идорама-идора кўчган сари хиралашиб, унинг атрофида шубҳа қуюқлашган. Кечагина эътирофга сабаб бўлган ташаббускорлик энди изоҳ талаб қиладиган ҳолга айланганди. Бир инсоннинг тақдирига дахлдор масалада унинг ниятини эшитишга ҳам эҳтиёж бор эди.

Яқинларининг эслашича, шу муносабатлар оқибатида Юсуф Абдураҳмонов раисликдан кетишга мажбур бўлган. Юксак унвон ва депутатликка номзодлик ҳақидаги режалар ҳам рўёбга чиқмаган. Куч-ғайратга тўла, ҳали кўп ишларни амалга оширишга қодир раҳбар учун бу оғир бурилиш эди. Очилган йўлнинг бирдан торайиши инсон кўнглида қанчалик чуқур из қолдиришини унинг кейинги сукутларидан ҳам англаш мумкин.

Лавозимдан кетиш билан ўша воқеанинг оғирлиги тугамаган. Яқинлари бир вақтлар қўйилган сиёсий тамғанинг сояси умрининг охиригача уни тарк этмаганини айтадилар. Юсуф ака бу ҳақда гапиришни, ўтмишнинг оғриқли саҳифаларини қайта очишни хуш кўрмаган. Унинг бу сукутида ҳам бир инсоннинг айтилмай қолган дарди бор эди. Аммо бошидан ўтган синовлар элга хизмат қилишга бўлган эҳтиёжини сўндира олмади.

У меҳнат йўлини Чироқчи туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи сифатида давом эттирди. Агрономлик билими, хўжаликда орттирган тажрибаси яна ишга тушди. Кейин эса фаолияти ёшлигида танлаган маърифат йўли билан янада чамбарчас боғланди: 1977 йилдан ҳунар-техника таълими соҳасида ишлаб, турли йилларда Чироқчи туманидаги 19-сонли ва туман марказидаги 30-сонли ўрта ҳунар-техника билим юртларига раҳбарлик қилди.

Қишлоқ ёшининг касб эгаллаши мустақил ҳаётга йўл очарди. Юсуф Абдураҳмонов ёшларга ана шу имкониятни яратишга, назарий сабоқни амалий тайёргарлик билан боғлашга эътибор қаратди. Унинг ёшларга кўмагида муаллимнинг меҳри билан тажрибали раҳбарнинг талабчанлиги уйғун эди. Касб ўрганишга ҳавас билдирган йигит-қизни рағбатлантириш, ташаббусини қўллаш, ўз кучига ишончини мустаҳкамлаш устозлик фаолиятининг муҳим мазмунига айланди.



Республика ҳунар-техника таълими давлат қўмитасида раҳбарлик қилган педагог олим Рисбой Ҳайдарович Жўраев билан соҳавий ҳамкорлик ҳам шу фаолиятнинг бир қисми эди. Юсуф Абдураҳмонов таълим ва ишлаб чиқариш амалиётини яқинлаштиришга ўз ҳиссасини қўшди. Илгари далада меҳнат самарасини ҳосилда кўрган бўлса, энди уни касбини пухта эгаллаган шогирднинг ишида кўрарди. Шу тариқа унинг меҳнати Чироқчидаги касб таълими тарихи билан чамбарчас боғланди.

Оиласида сақланган маълумотларга кўра, Юсуф Абдураҳмоновнинг хизматлари Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат белгиси» ва Меҳнат Шуҳрати орденлари билан тақдирланган. Унга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвони берилгани ҳам қайд этилади. Бу мукофотлар ортида жамоа билан ўтган йиллар, зиммага олинган масъулият, ер ва инсон камолига сарфланган куч-ғайрат мужассам эди.

Юсуф ака оилада фарзандлар камолини кўрган ота ҳам эди. Ғулом, Назира, Муҳаббат ва Абдуғофур унинг ҳаёти давомчилари бўлиб қолдилар.

Нафақага чиққанидан кейин ҳам у эл юмушидан четда турмади. Қишлоқларда йўл ва кўприк қуриш, мактабларни таъмирлаш ишларида қатнашди, тўй-маъракаларда одамлар билан бирга бўлди. Ўз ҳовлисида экин ва мевали дарахтларни парваришлар, ерга меҳр билан қарарди. Унинг олийжаноблиги ана шу оддий ишларида ҳам кўринарди: жамоага зарур пайтда елка тутиш, ёшларга маслаҳат бериш, қўлидан келган кўмакни аямаслик.

2000-йилларда ҳаж зиёратини адо этди. Яқинларининг айтишича, бу сафарни қувонч ва мамнуният билан эслаб юрган. Бир замонлар аждодлар ётган масканларни обод қилиш ташаббуси учун оғир муносабатга дуч келган инсоннинг ҳаётида муқаддас зиёрат ҳам насиб этгани алоҳида маъно касб этади. Унинг умр йўлида эътиқод ва хотира, сабр ва маънавий таскин бир-бирига туташди.

Юсуф Абдураҳмонов 2010 йил 4 ноябрда вафот этди. Унинг ортида фарзандлар, шогирдлар, эл билан кечган узоқ меҳнат йўли қолди. Бугун бу умрни эслаш — қишлоққа билим олиб кирган муаллимнинг, жамоага бош бўлган раҳбарнинг, ёшларга ҳунар ўргатган мураббийнинг хизматини қадрлашдир. Тақдирнинг оғир синовлари орасида ҳам одамларга керак бўлиб яшашга интилишнинг ўзи катта матонат эди.

Эл кўнглида қолган яхшиликнинг умри узоқ бўлади. Юсуф Абдураҳмоновнинг номи ҳам одамлар оғирини енгил қилган ишлари, тўйларга қўшган файзи, ёшларга берган далдаси билан хотирланади. Унинг ҳаётидан қолган энг ёруғ ибрат шу: инсон ўзгалар йўлини ёритиб, ўз умрига ҳам нур бағишлайди. Элга хизматдан топилган қадр ана шу нур билан авлодлар хотирасига кўчади.

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, иқтисод фанлари доктори, профессор